Ушбу сонда:
2 ИНСОН ОМИЛИ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ
3 КОНСТИТУЦИЯМИЗ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ
4 БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 10 ноябр, чоршанба № 179 (1812)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



## ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ

*Мамлакатимиздаги кўплаб вилоятлар қаторида Сурхондарё вилояти пахтакорлари ҳам 345 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома-режасини адо этдилар.*

*Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сурхон воҳаси пахтакорларини, вилоятнинг барча меҳнаткашларини эришилган катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклади.*

*Бундай юксак маррага эришишда аввало мард ва ориятли, ғурури баланд Сурхондарё аҳлининг ишни тўғри ташкил этиб, ўз ерига меҳр қўйиб қилган фидокорона меҳнати, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасидаги ибратли деҳқончилик тажрибалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.*

*Айниқса, вилоятда йиғим-терим ишлари юксак уюшқоқлик билан олиб борилгани туфайли кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари ҳосилнинг асосий қисмини юқори сифат билан топширишга ва шу орқали заҳматкаш деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга эришди.*

*Президентимиз Сурхондарё вилояти меҳнаткашларини улкан ғалаба билан яна бир бор қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, воҳа деҳқончилик мактаби шуҳратини янада ошириш йўлидаги интилишларига муваффақиятлар тилади.*

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

***Муборак Рамазон ҳайити азалдан юртимизда шоду хуррамлик, меҳр-мурувват кунлари бўлиб келаётганлигини, ушбу айёмда кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, етимлар, ногиронларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш хайрли анъана эканлигини, бу сананинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. 2004 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 14 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 8 ноябр

***Хотин-қизларнинг сиёсатда иштирок этиши муаммолари тўғрисидаги мунозара жуда қадим замонлардан буён давом этмоқда ва у демократияни мунтазам ривожлантириш жараёнининг таркибий қисмига айланган. Бугунги кунда бу масала аёлларга анъанавий архаик муносабатни ҳамон давом эттираётган ривожланаётган мамлакатлар учунгина эмас, балки ривожланган Ғарб давлатлари учун ҳам глобал муаммодир.***

## АЁЛЛАР ВА СИЁСАТ

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш тўғрисида кечган дунё миқёсидаги ва миллий мунозаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларида ҳам ўз ифодасини топа борди. БМТнинг 90-йиллар давомида бўлиб ўтган конференциялари давлатларнинг демографик сиёсатидаги тушунчаларни жиддий ўзгартиришга қаратилган эди.

Масалан, Қоҳирадаги Аҳоли жойлашуви ва тараққиёти бўйича халқаро конференцияда жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари барча аёлларнинг бутун умри давомида инсоний ҳуқуқларини амалга оширишни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини тасдиқловчи ягона келишувга эришдилар. Аҳоли жойлашуви ва тараққиёти бўйича халқаро конференциянинг ҳаракат дастурига биринчи марта хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кенгайтириш ҳамда аёлларнинг тенглиги тўғрисидаги тўлиқ ва батафсил боб (IV) киритилди. Айнан шу минбардан у ёки бу хотин-қизлар ташкилотининг қўллаб-қувватлашисиз илова қилинган гендер омилларини ҳисобга олиш бўйича ҳаракатлар кам самара бериши мумкинлиги таъкидланди.

(Давоми 3-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш, шунингдек Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи юксак ташкилий даражада нишонланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш бўйича юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда тадбирлар дастури тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ш.Мирзиёев) Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Ибн Сино» ҳамда «Олтин мерос» жамғармалари Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2005 йил октябр ойида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни таъминласин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан биргаликда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш доирасида Урганч ва Хива шаҳарларида ўтказилиши белгиланган тадбирларни амалга оширсин.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган тарихий ҳиссасининг кенг реклама ва тарғиб қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишини кенг ёритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 ноябр



## ТАЙЁРГАРЛИК ЯХШИ...МИШ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайловларга тайёргарлик ҳаракатлари қизғин давом этяпти. Бу борада Каттақўрғон шаҳрида ҳам эътиборга лойиқ ишлар олиб борилмоқда.***

Шу йил 26 декабрда бўладиган сайловларда овоз бериш жараёни шаҳарда ташкил этилган 31 та сайлов участкаси орқали амалга оширилади. Бу масканларнинг аксарияти телефон, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Шаҳардаги 275-,278-,281-,302-сонли сайлов участкаларида бўлган киши буни дарҳол ҳис қилади. Ибрат олса арзигулик ишлар кўп. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар сайлов комиссияси ишларни режа асосида изчиллик билан амалга ошираётганлиги боис бунга эришилмоқда. Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 51-Каттақўрғон округ сайлов комиссияси раиси Ҳ.Сирожиддинов, вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 11-театр округ сайлов комиссияси раиси Б.Шукуров ҳамда комиссия аъзолари ўз вазифаларига масъулият билан жиддий ёндошаётганига гувоҳ бўлдик.

Одамларнинг тафаккур тарзини ўзгартириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун тадбирлар амалга ошириляпти. Бунинг самараси ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Аммо айрим фуқаролар, ҳатто ўзига ишонч билдирилган шахслар бепарволикка йўл қўйишаётгани ҳам бор гап. Каттақўрғон шаҳридаги 282-,284-,288-сайлов участкаларидаги ишлар аҳволи билан танишганимизда бир қатор камчиликлар мавжудлиги маълум бўлиб қолди. Мазкур участка сайлов комиссияларининг фаолияти ҳужжатларда қайд этилмаган. Яъни, комиссия йиғилишларининг баённомалари йўқ. Ҳар ҳолда бизга танишиш учун тақдим этилмади. Мавжуд ҳужжатлар асосан комиссия таркиби, рўйхати, иш режаси, навбатчилик жадвалидан иборат. Бирорта участкада комиссия раисини учратмадик.

Энг ташвишланарли ҳолатлардан бирига 284-сайлов участкасида дуч келдик. Комиссия йиғилишининг баённомаси тариқасида қўлимизга тутқазилган ҳужжат қонуний расмийлаштирилмаган. Йиғилиш ўз ваколатидан ташқари масала бўйича қарор қабул қилганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Каттақўрғон шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 10-Маҳтумқули округ сайлов комиссиясининг котиби сайлов тизимидаги энг асосий янгиликларга дахлдор саволларга мутлақо жавоб беролмади. Сайлов комиссияси таркибига бундай шахсларни ким тавсия қилган ва ким тасдиқлаган? Бундайлар сайловчиларга нима бера олади? Сайловнинг моҳиятини халққа етказиш учун шаҳарда тузилган тарғибот гуруҳи фаолиятига ҳам шу асосда баҳо бериш мумкин. Матбуотда сайловга оид кўплаб мақолалар эълон қилинмоқда. Сайлов участкаларида эса матбуот нашрлари деярли йўқ...

Сайловлар мамлакат ва халқ тақдирига дахлдор улкан масала. Шу боис уни очиқлик, ошкоралик, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик,

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бу ҳақда Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида гапирилганди*

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

## ЙИЛ САБОҒИ

Ҳозирги бозор шароитида ўз ўрнини топиш, одамларнинг мутлоқ ишончини қозониш жуда муҳим. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари ҳам масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритмоқда. Кишиларимизнинг бутун диққат-эътибори давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган. Сессия ҳужжатларини кўздан кечирган инсон чуқур ўйлаб, мушоҳада юритади. Ахир, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги оқсаш кимни ҳам ўйлантирмайди дейсиз? Пахта ҳосилдорлиги 2003 йилга келиб гектарига 18,7 центнерга тушиб қолди. Қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ижтимоий соҳалар ривожи ҳам талаб даражасида эмаслиги уқтириб ўтилди. Бу камчиликлар бевосита касаба уюшмаларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлигининг янги раҳбарияти ишни тубдан яхшилаш, барча тармоқни бирдек ривожлантириш, энг муҳими одамлар турмуш шароитини яхшилаш юзасидан саъй-ҳаракат бошлаб юборган. Жойларда ташкилотчилик ва талабчанлик кучайтирилмоқда.

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга назар ташласак, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги кўзга ташланади. Масалан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси жамоатчилик назорати тартибида Фурқат туманидаги Фурқат номли, «Қўқон» хўжаликларида иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши масаласини ўргандилар. Натижа умумлаштирилиб хўжалик раҳбарлари олдига аниқ талаблар қўйилди. Шундан сўнг камчиликлар барҳам топди.

(Давоми 2-бетда)



*Бир шикоят изидан*

***Ҳар йили кузги-қишки мавсумга ҳозирлик кўриш, қозонхоналар, иситиш тармоқларини таъмирлаш бўйича жойларда соҳа мутахассислари кенг кўламли ишларни амалга оширади. Корхона, ташкилот ва муассасаларда иситиш тизимининг бир маромда ишлаши ҳамда аҳоли турар-жойларида узилишлар содир этилмаслиги учун барча мутахассислар жалб қилинади. Шундай бўлса-да, истеъмолчиларнинг ушбу тизим мутасаддиларига нисбатан эътирозлари камаймаётир.***

## ОЛИС ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ

Яқинда таҳририятимизга Бахмал туманининг «Тонготар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ аҳолидан шикоят хати келди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Тонготар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўн мингдан зиёд киши яшайди. Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинган Қонунларнинг кўп қисми аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган. Бизнинг тумандаги мутасадди ходимлар бу қонунларни ё билишмайди ёки билишса ҳам уни четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Ахир, биз фуқаролар ойма-ой табиий газ ва электр энергияси ҳаққини тўлаб турсагу, ёлчитиб улардан фойдалана олмасак. Айбимиз олис бир қишлоқда яшашимиз-ми...».

Бахмал мамлакатимизнинг энг баҳаво гўшаларидан бири. Ўзига хос пурвиқор тоғлари, бепоён қир-адирлари, меҳнаткаш инсонлари бор. 120 минг аҳоли истиқомат қиладиган туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқлар билан биргаликда ечимини кутаётган бир талай муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. «Жиззахгаз» ҳудудий газ таъминот корхонасининг Баҳмалгаз филиали директори Тоҳир Норматовнинг таъкидлашича, мавжуд хонадонларнинг 46 фоизи табиий газ билан таъминланган, 11 та маҳалла, 46 та қишлоқ газлаштирилган. Бошқача айтганда, 15 мингта хонадоннинг 6220 тасига газ етиб борган. Туманнинг аксарият қишлоқларидаги хонадонлар газ босими етарли бўлмагани учун яхши иситилмайди. Ҳатто газ умуман бормай қолади. «Калтатой» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Йўлдошбой» ва «Барлос» қишлоқларидаги 130 - 150 та хонадонларда газ таъминоти ниҳоятда ачинарли. Шундай ҳолат «Мўғол» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам мавжуд. 160 та хонадони бўлган «Боғимозор уяз» қишлоғига қиш мавсумида газ умуман етиб бормайди. Шунингдек, «Новқа» қишлоғидаги 150 - 180 та, «Боғишамол» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қўшдарғат» ва «Арнасой» қишлоқларидаги 80 та, «Арпали» қишлоғидаги 30 та хонадон ҳамда «Барлос», «Тонготар», «Тойпоқсой» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги аксарият хонадонларда газ таъминоти бундан-да ёмон бўлса борки, яхши эмас.

Таҳририятимизга мурожаат қилган «Тонготар»лик аҳоли билан суҳбатлашиш мақсадида туман газ таъминот ҳамда электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари ҳамроҳлигида ана шу қишлоқда бўлдик. «Тонготар» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Рустамхон Полвоновнинг берган маълумотига кўра, «Тойпоқсой» ва «Янгибоғ» маҳалла фуқаролар йиғинларида 11 минг 500 киши истиқомат қилади. 8 та катта қишлоқда 1700 та хонадон мавжуд. Шундан 710 та хонадон Бахмалгаз таъминоти, 150 хонадон қўшни Булунғур туман газ таъминот корхонасидан табиий газ олади. 860 та хонадонга газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган. Қишлоқ аҳолисининг табиий газдан қарзи йўқ. Аксинча, туман газ таъминоти аҳолидан қарздор.

Янглиш Абдужалилова - уй бекаси:

- Қишлоқ аҳолиси газ ва электр энергияси узилишларидан ҳайрон. Совуқ тушди дегунча, табиий газ тақа-тақ келмай қўяди. Бу ҳам камдек электр энергияси корхонаси ходимларининг антиқа қилиқлари жонга тегди. Айни кечки овқат ва эрталабки нонушта пайтида чироқ ўчириб қўйилади.

Гуласал Ҳожиева - уй бекаси:

- Қизим Мунира ўқитувчи бўлиб ишлайди. Коммунал тўловлар учун бериладиган компенсация пулини ойма-ой газ ва чироқ учун тўлаб боради. Аммо бундан нима фойда! Кейинги йилларда газ ва электр энергияси узилишларидан безиб қолдик. Телевизор, радио орқали янгиликлардан тўла баҳраманд бўлолмаяпмиз. Мажбур бўлиб ўчоғимизни ўтинга мослаштириб олдик.

Абдували Суяров - нафақахўр:

- Қишлоғимиздаги биронта дўконда ун сотилмайди. Буғдойни ун қилдирай десак, чироқ тез-тез ўчиб тургани боис, тегирмонлар ишламаяпти.

Қишлоқ одамларининг эътирозини мутасадди раҳбарларга айтганимизда, муаммоларни санашдан нарига ўтишмади. Туман газ таъминот раҳбарининг изоҳ беришича, Бахмал туманига Ғаллаоролнинг «Лалмикор» қўрғонидан 50 километр узоқликдан газ тармоқлари тортиб келинган. Бахмал туман газ трассасидан Ғаллаорол туманининг 2,5 мингта хонадони газ олади. Натижада Бахмал туманига ажратилган лимит юз фоиз ўрнига 76 фоизга тушиб қолади. Ваҳоланки, суткасига 180 - 200 минг кубометр газ олиниши керак. Корхонанинг аҳолидан дебитор қарзи 42 миллион, кредитор қарзи 18 миллион сўмни ташкил этишига нима дейсиз? Газ босими корхонага боғлиқ бўлмаган муаммодир. Бироқ қарзни ундириш корхонанинг кундалик иши-ку?!

Бахмал туман электр тармоқлари корхонасида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Корхона бошлиғи Ҳазратқул Бердиқуловнинг таъкидлашича, туман аҳолиси юз фоиз электр энергияси билан таъминланган. Корхонанинг аҳолидан 14 миллион, корхона, ташкилот ва хўжаликлардан 320 миллион сўмлик дебитор қарзлари бор. Тумандаги Элеватор корхонаси 1,5 миллион, 13 та ширкат хўжаликларининг ҳар бири 1 миллион сўмдан ошиқ қарзлари бўла туриб, электр ҳаққини тўлашни ўзларига эп кўришмаяпти.

Бошлиқнинг изоҳ беришича, вилоят марказий диспетчерлик пунктидан чегаралаш бўйича оғзаки фармойиш берилгани учун электр энергияси огоҳлантиришсиз ўчириб қўйилаяпти. Энди бир ўйлаб кўрайлик, биргина Бахмал туманида электр энергияси тўловидан қарздорлик 334 миллион сўмни ташкил этса, вилоятдаги барча туманлар билан бирга ҳисоблаганда қарздорлик қанчага етади? Эҳтимолки, маблағлар вақтида тўланиб борилганда, электр энергиясида узилишлар, чегарашлар бўлмасмиди? Чунки маблағ етарли бўлса, электр станцияларни таъмирлаш, янгиларини барпо этиш, электр линияларини керакли ускуналар билан таъминлаб бориш имконияти туғиларди. Қарс икки қўлдан деганлари балки шумикан?

Қиш эшик қоқмоқда. Ҳадемай изғиринли кунлар бошланади. «Тонготар»ликлар ўтин ғамлаш ташвишида, чунки газнинг бўлишидан умидлари йўқ. Айтинг-айтинг, қиш юмшоқроқ келсин...

**Зайниддин РИХСИЕВ,**
**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбирлари**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

## Фарғона

## ЙИЛ САБОҒИ

(Боши 1-бетда)

Ҳар куни Кенгашга турли соҳа кишилари мурожаат қилади. Адолат тамойилларининг бузилиши одамларда норозилик уйғотади. Шу тариқа шикоятлар юзага келади. Ёзёвон туманидаги И.Юсупов номли фермер хўжалиги ишчиси Ё.Исоқов тақдири билан қизиқишга тўғри келди. У зарар тўловини ундиришда ёрдам сўраганди. Жойларда бўлиб, масала атрофлича ўрганилгач, шундай хулосага келинди. Ушбу фуқарога тўланиши керак бўлган зарар тўловлари 11 ойдан буён асоссиз равишда кечиктириб келинган. Хўжаликни тугатиш комиссияси томонидан фуқаронинг ҳақли талабига эътибор қаратилмаган. Бу иш туман прокуратурасига оширилди. Умуман Кенгаш мутахассислари томонидан сўнгги уч йил ичида меҳнаткашларни ноқонуний ишдан бўшатиш, меҳнат шароити, зарар тўловларини ундириш, бахтсиз ҳодисаларни қайта кўриб чиқиш каби масалаларга оид берган 39 та ёзма ҳамда 447 та оғзаки аризаларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 1909 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, ўз атрофига 702.105 нафар аъзони бирлаштирган. Улар қандай фаолият юритиши касабақўм раисининг салоҳиятига, ишчанлик фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Яқинда Ўзбекистон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида бўлдик. Маълум бўлдики, касаба уюшма аъзолари жамоанинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Улар иқтисодиётни юксалтириш, иш шароитини яхшилаш юзасидан аниқ таклифларни илгари суришмоқда. Маъмурият ва касабақўм ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Бироқ, ана шундай яхши жойда ҳам жамоа шартномаларининг айрим бандлари бажарилмай қолмоқда. Мутасаддилар маблағ йўқ, деган баҳонани маҳкам ушлаб олишган.





Бошланғич ташкилот жанговарлигини оширмай туриб, касаба уюшмалари ўз мақсадига эришиши қийин. Шу боис ҳисобот-сайловларни пухта тайёргарлик кўрган ҳолда жонли, талабчанлик руҳида ўтишига эътиборни кучайтирганмиз. Бугунги ташкилот қандай бўлиши керак, унга одамларнинг ишончи-ю, муносабати қандай? Анжуманларда ана шу саволлар атрофида қизғин мунозаралар бўлмоқда. Йиғилишларда билдирилган қимматли таклиф-мулоҳазаларни галдаги иш режаларимизда алоҳида инобатга олаяпмиз.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, жойларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, иш берувчининг масъулиятини кучайтириш тақазо этилмоқда. Шу ўринда касаба уюшма вилоят Кенгаши ўқув-соғломлаштириш Марказининг алоҳида ўрни бор. Яқинда бу ерда семинар ташкил этилди. Тингловчилар олдида олимлар, ҳуқуқшунослар чиқишлар қилиб, меҳнат муҳофазаси, иш жойида шикастланганда товон пулини тўлаш қоидалари каби мавзуларда кенг тушунча бердилар.

Пахта йиғим-теримида касаба уюшмаларининг роли алоҳида бўлади. Тўғри, сўнгги йилларда бу соҳада ишлар анчайин қийин кечмоқда. Бироқ, вилоятнинг янги раҳбарияти бошлаган саъй-ҳаракат, кенг кўламли тадбирлар келаси йилиёқ албатта ўзининг қувончли самарасини беради, деб ўйлаймиз. Бу йилги мавсумда меҳнатни тўғри ташкил этиш, маданий-маиший тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳар беш кунда иш ҳақини даланинг ўзида тарқатиш кабиларда касаба уюшмаларинг муносиб ҳиссаси бўлди. Биз вилоят Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида ўртага қўйилган талаблар асосида иш юритиб, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси деган номни оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Анвар ЮНУСОВ,**
**Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси**

---

Тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сони 62 минг кишидан ортиқроқни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги аёллардир. Табиийки, қаерда унумли ишлаш, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун шарт-шароит яратилган бўлса, ўша ерда ютуқлар салмоқли бўлади.

Меҳнаткаш ҳақида меҳрибонлик қилиш эса касаба уюшмалари фаолиятининг бош омили ҳисобланади. Биз тармоқ корхоналарида ишлаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари ҳақида ҳам қайғуряпмиз. Бу йил 10 минг 411 нафар ишловчилар фарзанди энг яхши соғломлаштириш масканларида мириқиб дам олдилар. Вилоят қўмитаси томонидан кўрик-танловлар, спартакиадалар ўтказиш одат тусига айланган. «Ўз касбининг эгаси», «Ўзбекистон – Ватаним маним» ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари кўрик-танловларининг ёшлар учун тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда.

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

Ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган спорт тадбирлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Эътиборлиси шуки, оммавийлик таъминланаётганлиги боис оддий кишилар орасидан ҳақиқий спортчилар етишиб чиқмоқда. «Қувасой чинниси» ва «Фарғона ип-газлама» ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари республика беллашувларида муваффақиятли қатнашиб қайтдилар.

Ишлаб чиқаришда омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаётган аёллар сони кўпайиб бормоқда. Шу ўринда «Кабул-Фарғона» Ко ЛТД қўшма корхонаси ишчиси Зулфия Ҳайдарова ҳақида алоҳида тўхталсам. У ўз касбининг чинакам устаси, ёшлар мураббийси, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш жонкуяридир. Зулфиянинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Бундай илиқ гапларни ишчи Муножот Умарова, ходим Азиза Машарипова, меҳнат фахрийси Ўғилхон Бузрукхоновалар шаънига ҳам айтиш мумкин.

**С.СОБИРОВА,**
**Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси**

---

## ВАЪДА ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ КЕРАК!

Вилоятда 294 та юридик шахсга эга мустақил ташкилот бўлиб, улардан 171 тасида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномалари имзоланган. Вилоят қўмитаси билан бу борадаги фаолият кўламини кенгайтириб, жамоатчилик назорати ҳамда иш ҳақларининг вақтида берилиши хусусида газеталарда чиқишлар қилдик. Улар одамлар ҳар бир муаммо сабаби ва ечимини чуқур англаб етишларида яхши ёрдам берди деб, ўйлаймиз.

Гап изчиллик, давр талабига монанд равишда ишлаш ҳақида кетганида ходим ва мутахассисларимиз бу борадаги ишончни оқлашяпти, деб айта оламан. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг асосий вазифаларидан бири тиббиёт муассасаларида қулай шарт-шароит яратиш, касб касаллигига чалиниш, иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар олдини олишдан иборатдир. Бунинг учун ходимлар лаёқатли, қатъиятли бўлиши керак. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, аттестациядан ўтказиш яхши йўлга қўйилди. «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига асосан зарарли ишларда меҳнат қилаётган ходимларни махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари билан таъминлаш зарур. Бироқ, сўнгги йилларда бу масалага эътибор анча сусайиб кетганди. Масала қўмита томонидан мутасадди раҳбарлар олдига қатъий қилиб қўйилганидан сўнг анча силжишга эришилди. Одамлар биздан ваъда эмас, амалий ишлар кутишини унутмаслигимиз керак.

**М.ДАВЛАТЁРОВА,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси**

---

## КЎП БОЛАЛИ ОИЛАЛАР доимий эътиборда

***Ҳозирги кунда тармоқ корхона ва ташкилотларида 550 та кам таъминланган ва кўп болали оилалар, 200 тага яқин икки ёшдан уч ёшгача бўлган болалар парвариши билан машғул таътилдаги аёллар бор. Улар корхоналар раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмиталари томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Аёлга эътибор бу жамиятга эътибор, деб бежиз айтишмайди. Биз жамоа шартномалари асосида 5860 нафар меҳнатчи аёлга алоҳида меҳрибонлик кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Уларнинг 3380 нафари имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминланмоқда. Бунинг учун ҳар йили 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланяпти.***

Давр шиддат билан ўзгариб бормоқда. Йиғилишларнинг, ўзаро мулоқотларнинг аҳамияти шундаки, меъёрий ҳужжатларга қатор қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, Қўқон механика заводи, Риштон ишчитаъминот, Фарғона нефт база унитар корхонаси ва



бошқа жойларда аёллар учун иш куни бир соатга қисқартирилди. Ёки Чимён ремонт механика заводи, «Қўқонспирт» очиқ акционерлик жамиятларида ҳомиладор аёлларга белгиланган муддатдан анча олдин - 5-6 ойданоқ корхона ва ташкилот ҳисобидан туғиш таътилига чиқиш йўлга қўйилган. Фарғона иссиқлик энергия маркази, 1-қурилиш-таъмирлаш бошқармасида эса ишловчи аёлларга 3 кундан 5 кунгача қўшимча меҳнат таътили берилганлиги ибратлидир.

Жамоа шартномаларида меҳнат қонунчилигининг талаблари бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Хусусан, ишчи-ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити яратиб беришда муайян ибратли ишлар амалга оширилди. Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Фарғона вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва касаба уюшма вилоят Кенгаши томонидан жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилганлиги айни муддао бўлди. Бу борада услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Меҳнат муҳофазаси фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада кўп яхши гаплар айтиш мумкин. Бироқ саъй-ҳаракатларга қарамай баъзи жойларда битимларга киритилган тадбирлар бажарилмаётир. Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи, кимёвий толалар заводи кабиларда ҳамон турли сабаблар рўкач қилиб кўрсатилмоқда. Улардаги касаба уюшма қўмиталари эса жиддий чораларни қўллаш ўрнига муросасозлик йўлини тутмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу каби камчиликларни бартараф этиш ҳақида алоҳида гап борди, қимматли таклифлар ўртага ташланди.

Тармоқ тизимида учта маданият саройи мавжуд. Эътиборлиси шуки, «Нефтчи» ва «Кимёгар» маданият саройлари маъмурият томонидан молиялаштирилди. Ҳозирги кунда «Нефтчи»да 16 та тўгарак ишлаб турибди. Спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун шароитлар яхшиланаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, баъзи корхоналарда юридик хизмат, кадрлар бўлимлари ходимлари томонидан меҳнат қонунчилиги талабларини аниқ билмаслик туфайли шикоятлар туғилмоқда. Демак, келажакда юридик хизмат, кадрлар бўлими ходимлари ҳамда касаба уюшма фаолларини меҳнат қонунчилиги бўйича ўқитишни қатъий йўлга қўйиш керак.

**С. МЎМИНОВА,**
**Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси**





---

## КОРХОНА РАҲБАРИ устидан фуқаролик судига мурожаатдан сўнг

Сўнгги йилларда жамоа шартномалари сон ва мазмун жиҳатдан янада бойитилди. Натижада ҳар бир ходимга йил давомида сарфланадиган имтиёзли маблағ сезиларли даражада кўпайди. Бу борада «Кварц», «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятларида ибратли ишлар амалга оширилди.

Бозор шароитининг ўзига хос муаммолари мавжуд. Шулардан бири барча корхоналарнинг жамоа шартномаларида иш ҳақи беришнинг аниқ муддатлари белгилаб қўйилганига қарамай, амалдаги қонунларга зид равишда бу борада қарздорликка йўл қўйилмоқда. Долзарб муаммони ҳал этиш вилоят қўмитасининг раёсат ва пленум йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида шу масалада иш берувчилар номига 137 та эътирознома киритилди, 6 та корхона раҳбари устидан даъво аризаси билан фуқаролик судларига мурожаат этилди. Ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракат, қатъиятлик туфайли тармоқ ходимларига тегишли бўлган 528 миллион сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилди.

Ишимиз барча йўналиш бўйича силлиқ кетяпти, десак нотўғри бўлади. Ҳозир бизни ўйлантираётган муаммолар оз эмас. Жумладан, сўнгги беш йил ичида тармоқ корхоналарида 91 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Шундан 14 таси ўлим билан тугади. Умуман кўнгилсиз ҳолатлар туфайли 93 нафар ходим жароҳат олди. Табиийки, улар касаба уюшма қўмиталарининг йиғилишларида ўта талабчанлик вазиятида муҳокама қилиниб, айбдорларга нисбатан жазо чоралари кўрилди, жабрланувчиларга товон пуллари ундириб берилди. Ҳозирги кунда юқоридаги каби воқеалар такрорланмаслиги учун корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари билан бамаслаҳат иш юритяпмиз. Муҳим ишда ён бериш, чекинишларга йўл қўйилмаяпти.

Хатлар - ҳаёт ойнаси. Вилоят вакиллиги ҳар бир мурожаатномани синчиклаб ўрганади. Инсонга наф келтириш учун бор имкониятни ишга солади. Ҳисобот даврида вилоят қўмитаси ва вакиллигига 72 та ёзма ва 245 та оғзаки аризалар тушди. Уларнинг аксарияти белгиланган муддатда ижобий ҳал этилди. 99,7 фоиз аризачининг ҳақ бўлиб чиққанлиги ҳали жойларда ҳуқуқий саводхонлик етишмаётганлиги, айрим иш берувчилар қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилишаётганидан далолатдир. Шуларни ҳисобга олиб, вакиллик ходимлари 50 маротаба режа асосида ҳамда кўп ўринларда режадан ташқари жойларга чиқиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларига дахлдор масалаларни чуқур ўргандилар. Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам ва мадад кўрсатилди. Семинарларда 150 нафар касаба уюшма фаоли ўқитилди.

Ҳисобот-сайлов ўзига хос имтиҳондир. Бугунги кунда ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган бошланғич ташкилотлар жанговарлиги қандай, улар меҳнаткашлар ишончини қай йўсинда оқламоқда? Ана шу саволларга лўнда жавоб олдик. Ишончни оқламаган, давр талаблари даражасида фаолият юритмаган 5 та касабақўм раиси алмаштирилди. Ҳозирги кунда юқорида таъкидланган «Қувасойцемент», «Кварц» ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа йирик корхоналар касаба уюшма қўмиталарининг иш тажрибаси оммалаштирилмоқда.

**Ҳ.ҚОСИМОВ,**
**Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Фарғона вилоят вакили**

---

## ИШДАН НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛСА...

Ҳисобот даврида тармоғимизда амалга оширилган эътиборли ишлардан бири бу меҳнаткашларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш бўлди. Турли соҳа кишилари не-не умидлар билан мурожаат қиладилар. Уларнинг мушкулини осон этиш учун мутахассисларимиз тиним билмай ишлашади. Уч-тўрт йил ичида ишдан ноқонуний бўшатиш юзасидан 53 та ариза тушди. Биттаси ҳақида алоҳида тўхталсам. Малакали мутахассис Ҳусанбой Болтабоев узоқ йиллар Қува туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида ишлади. Айниқса, раис муовини вазифасида фаолият юритган кезларида ундаги ташкилотчилик, одамлар қалбига йўл топа олиши муҳим рол ўйнади. Қарангки, қариган чоғида, меҳнат таътилида бўлганида у ишдан бўшатилган. Ҳусанбой ака ҳақ-ҳуқуқини тиклашда ёрдам сўраб қўмитага мурожаат қилганди. Мутахассисларимиз билан биргаликда қаттиқ турдик. Хўжалик раҳбарлари хатони тан олишди. Хуллас, қўмита аралашуви билан Ҳ.Болтабоев раис ўринбосари вазифасига қайта тикланди. Мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб берилди. Катта савоб ишни амалга оширган ходимларимизнинг хурсандчилигини кўрсангиз эди. Ахир инсонга наф келтириш олий бахт!

Кунларнинг бирида Қува туман мева-сабзавотларни қайта ишлаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти иш фаолияти билан танишишга тўғри келди. Шунда меҳнат аҳли манфаатларига путур етганлигини кўрдик. Қўмитанинг ҳақли талабларига мутасаддилар томонидан эътибор бўлмаганидан кейин ушбу масала суд томонидан кўриб чиқилди. Қандай шароит бўлмасин, адолат томонида қаттиқ турдик. Суд жараёни ўн ой чўзилди. Ниҳоят, ҳақ жойида қарор топиб, яна бир инсон мушкули осон этилди. Ана шундай пайтларда касаба уюшмаларининг обрўсига обрў қўшилмоқда, меҳнаткашларнинг энг нуфузли жамоат ташкилотига бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.

**С.АҲМАДҚУЛОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси**

# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ИНСОНПАРВАР КОНСТИТУЦИЯ




Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришишда Конституция ва унга мос равишда қабул қилинган қонунлар жуда катта ўрин тутади. Асосий қонунимизда Конституция ва унга мос равишда қабул қилинган қонунларнинг устунлиги мустаҳкамлаб қўйилган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг устуворлиги назарда тутилган.

Уларнинг устуворлиги шуни билдирадики, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар фақат Конституция талабларидан келиб чиқиб яратилган қонунлар билан тартибга солинади. Бу муносабатларнинг барча қатнашчилари эса ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун бирон-бир истисносиз жавобгар бўладилар. «Ҳеч бир қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига ва тамойилларига зид бўлиши мумкин эмас» дейилади Конституциямизнинг 16-моддаси иккинчи қисмида.

Ҳуқуқий давлат – бу унда Конституциявий тамойилларнинг қарор топишидир. Мазкур тамойилларнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

– асосий ҳуқуқларнинг кафолатланиши;

– Конституция ва қонуннинг устунлиги;

– ҳокимиятнинг бўлиниши;

– Давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги, яъни фуқаро ва давлатнинг ҳуқуқлар ҳамда бурчлар борасида тенглиги;

– судьяларнинг мустақиллиги;

– фуқаролар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши;

– қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Конституцияга мос бўлиши'

– Конституциявий назорат;

Конституциянинг 15-моддаси, иккинчи қисмига кўра, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Конституция ҳақида, унинг миллий давлатчилигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги аҳамияти тўғрисида аниқ бир фикрга эга бўлиш учун уни тавсифловчи жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бизнинг фикримизча, Конституциямиз энг аввало, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган ва у ушбу вазифаларни тўла амалга ошириш имкониятини яратади. Конституциянинг қоидалари барчамизнинг қонунларга бирдек итоат этишимизни таъминлайди, қонунчиликни ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини равшанлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий-иқтисодий вазиятга мос бўлган, тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишга имкон беради. Асосий қонун нафақат ҳуқуқий йўллар билан, балки кўп фикрлилик ва муросага келиш орқали жамиятимиз барқарорлигини таъминлайди, жамият аъзоларини бир мақсад сари бирлаштиради. Ва ниҳоят, бу энг асосийси, Ўзбекистон Конституцияси инсонпарвар Конституциядир, унда энг олий қадрият сифатида асосий эътибор инсон манфаатларига қаратилган.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими фуқаролик масаласининг, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаган. Улар инсон манфаатларини қондиришга, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ёрдамлашади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаси ҳам инобатга олиниб, тегишли ҳуқуқий қоидалар ўрнатилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсадидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

**биринчидан,** инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;

**иккинчидан,** инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

**учинчидан,** инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

**тўртинчидан,** ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

**бешинчидан,** инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

**олтинчидан,** фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

**еттинчидан,** инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Бундан ташқари, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар Конституциямизга ҳамоҳанг равишда қабул қилинди.

Асосий қонунимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот, билим олиш, малакали тиббий хизматдан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш каби анъанавий ҳуқуқлари, виждон, сўз ҳамда эътиқод сингари эркинликлари янги жамият талабларидан келиб чиқиб янада реал тарзда белгиланди.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар барча ҳуқуқлар тизимида биринчи ўринни эгаллагани бежиз эмас. Бу уларнинг энг муҳимлиги, эъзозли, умидбахшлигидан дарак беради.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи шахсий ҳуқуқлар эҳромидан жой олган. Унга суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Конституциянинг 25-моддаси шахсий эркинлик ав дахлсизликка оид бўлиб, унга мувофиқ инсонни ғайриқонуний қамаш мумкин эмаслиги талаб қилинади. 27-моддага мувофиқ инсоннинг шаъни, обрўси, турар жой дахлсизлиги таъминланиши, ёзма ва телефон сўзлашувларининг сири ошкор этилмаслиги шарт. 29-моддада фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, 31-моддада виждон эркинлиги ифода этилган. Конституциянинг 44-моддасига биноан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида амалга оширилиши шарт, албатта. Бу даставвал инсон ҳуқуқларининг кафолатидир. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини муносиб таъминлаш мақсадида эса суд ҳокимияти фаолият кўрсатади ва унинг ҳуқуқий мақоми ҳам аввало Конституциямизда мустаҳкамланган. Жумладан, Конституциянинг 106-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади».

Конституциянинг 107-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг суд муассасалари беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими қуйидаги судлардан ташкил топган;

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди;

4) Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;

5) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман судлари, жиноят ишлари бўйича туман судлари;

6) ҳарбий судлар;

7) Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди эса республикада конституциявий назорат олиб борувчи олий суд органи ҳисобланиб, ўз ҳокимиятини қонун асосида мустақил равишда амалга оширади. Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиши ва фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-моддасида белгилаб қўйилган.

Конституциявий суднинг ваколатига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриш киради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди республика конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ҳудудида конституция устунлигини таъминлаш мақсадида ҳам қатор вазифаларни бажаради:

Албатта, Конституциямизнинг асосий тамойиллари ҳамда уларни ҳаётга жорий этишнинг ҳуқуқий механизмлари, хусусан бу борада судларнинг аҳамияти тўғрисида кўп гапириш мумкин. Бироқ ҳамма гап биринчи галда ана шу муҳим тамойилларни чуқур ўрганишимиз, уларнинг моҳиятини теран англашимиздадир.

**Музаффар ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти**

## АЁЛЛАР ВА СИЁСАТ

(Боши 1-бетда)

Бошқача айтганда, аёлларнинг ўзлари, айниқса, сиёсий таъсири кучли бўлган хотин-қизлар фаол иштирок этмаган ҳолларда гендер тенглигига эришиш мумкин эмас. «Кудратли миллий хотин-қизлар ҳаракати сиёсатни, дастур ва ресурсларни қўллаб-қувватлаб турган тақдирда олға ҳаракат шитоб билан амалга оширилиши мумкин», - деб таъкидланади «2004 йилда жаҳон аҳолиси» номли UNFPA брошюрасида.

Шундай қилиб, хотин-қизларнинг сиёсий соҳадаги ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш гендер тенглигига эришишнинг муҳим омили эканлигидан ташқари, жамият тараққиётининг ҳам бевосита омили эканлиги эътироф этилади. Сабаби хотин-қизларнинг сиёсатдаги тенг ҳуқуқли иштироки фикрлар хилма-хиллиги ва муқобиллиги майдонини кенгайтира бориб, демократик тизимни табиий равишда бойитади.

Тарих турли даврларда миллий озодлик ҳаракатларига раҳбарлик қилган, сиёсат билан муваффақиятли шуғулланган, тижорат, илмий ва ижодий фаолиятда ютуқларга эришган кўплаб хотин-қизларнинг шоҳидидир. Бунинг учун Спаретра, Тўмарис, Клеопатра, Жанна Д Арк, Индира ганди, Беназир Бхутто, Г. Меир, Маргарет Тетчер, С. Ковалевская, Г.Шанель, И. Жолио-Кюри, Зебунисо, Нодирабегим, Анна Ахматова, М.Цветаева ва бошқаларнинг номларини эслашнинг ўзи кифоя.

Демократия тараққиёти билан бир вақтда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига муносабат ва қарашлар ҳам ижобий томонга ўзгара борди. Вақт ўтган сайин кўпроқ аёллар жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш имкониятига эга бўла бордилар. Аммо хотин-қизларнинг сиёсатга дадил кириб келиши XX асрнинг ўрталаридан бошлаб яққолроқ кўзга ташланди.

Канада, Исландия, Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия сингари мамлакатларда 70-йиллардан бошлаб хотин-қизларнинг сиёсатда, давлат бошқарувида иштирокининг фаоллашуви ижтимоий-иқтисодий фаровонликнинг ортиши ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг муваффақиятли ривожланиши билан бақамти равишда ўсиб борди. Айнан ҳокимият тепасига келган аёлларнинг таъсири остида ушбу мамлакатлар тинч ва яшаш учун қулай ҳамда бир вақтнинг ўзида энг тараққий топган ва барқарор мамлакатлар, деб ҳисоблана бошлади.

Албатта, бошқа мамлакатларнинг хотин-қизлари ҳам ижтимоий-сиёсий фаолиятда оммавий қатнашиш борасида ўз йўлларида турган тўсиқларга қарамасдан, ҳар ҳолда жамоат ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлганликларини эътироф этиш лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларациясида (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217-А резолюцияси) таъкидланганидек, «Хотин-қизлар ва эркаклар мақомидаги нотенглик аёлларнинг инсон салоҳиятини юксалтиришга қўшадиган ҳиссаси ушбу жараёнлар давомида уларга бериладиган имтиёзлар камайгани сайин сезиларли даражада камайиб бориши сақланиб қолишига олиб келади».

Бугун сиёсат аёлларнинг машғулоти эмас, деган афсона ўтмишга айланиб бормоқда. Хусусан, психология профессори К. Гиллигон: «Аёллар катта ахлоқий кучга эга бўлиб, уларда юксак ахлоқий меъёрлар ҳамда одамлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш ва уларни доимий сақлаб туришда алоҳида қобилият, яъни ҳуқуқий сиёсат арбобининг баъзи фазилатлари мавжуддир», - деб таъкидлайди.

Сир эмаски, мамлакатимиздаги кўплаб эркаклар гендер тенглиги истиқболига менсимайроқ қарайдилар ва аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий иштирокини кенгайтириш масалаларини долзарб деб ҳисобламайдилар. Эркакларнинг бундай фикр юритишига одатда маиший турмуш андозалари, эркаклар эрасининг анъаналари ва диний дунёқарашлар сабабдир.

Социологик тадқиқотлар жамиятда эркакларнинг нуфузи қанчалик баланд бўлса, ушбу масалага консерватив қарашлар шунчалик кучли бўлишини кўрсатмоқда. Эркакларнинг ушбу тоифаси аёлнинг асосий мажбурияти оила деб ҳисоблайдилар. Уларнинг назарида давлат хизмати тизимида аёлларга фақат иккинчи даражадаги - ҳисобчи, кадрлар бўлимининг бошлиғи, оддий ходима, котиба сингари вазифалар тўғри келармиш. Ва бундай эркаклар аёлларнинг сиёсий ўрнини фаол сайлов жараёнини амалга оширувчи сайловчи тарзида кўрадилар, холос.

Аёл касб-ҳунар танлашда ва мансаб пиллапоясидан кўтарилишда эркин бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунча ҳаётда ўзига ниҳоятда қийинчилик билан йўл очаётган бўлса-да, бу тушунчанинг мавжудлиги ҳамда тобора кенг тарқалиб бораётганлигининг ўзи қувонарли ҳолдир. Хотин-қизлар тижорат, давлат бошқаруви, сиёсат ва бошқа соҳаларда эркаклар билан тенг иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги ҳақидаги нуқтаи назар эгалари бунда аёл ўз табиатига кўра ушбу соҳаларни янгича қараш, ёндашув, стратегия билан бойитиши мумкинлигини яхши тушунадилар. Эркаклар билан тенгма-тенг рақобат аёлларни ноанъанавий қарорлар қабул қилишга, зўр бериб ҳаракат қилишга, меҳнат самарадорлигини оширишга ундайди ва улар бу вазифаларни назокат билан бажарадилар.

Қандай бўлмасин, аёл киши касб-кор танлашда, ўз фаолият соҳаси ва мартабага эришишда эркин бўлиши шарт. Бундай эркинлик, гендер тафовути инобатга олинса-да, қизалоққа мактаб курсисиданоқ ўғил болалар билан тенгма-тенг билимларни эгаллаши ва тегишли тарбияни олиши учун шарт-шароитлар яратиш лозимлигини билдиради. Агар қизча боладикдан фақат оилавий турмуш учун тайёрланиб, бошқа соҳаларни эгаллаши учун имконият яратилмаса, кейинчалик давлат ва жамият унга яратадиган ҳуқуқлардан фойдалана олмайди. Бундан ташқари, бундай аёлдан ижтимоий-сиёсий фаоллик кутиш амри маҳолдир, унинг дунёқараши оиланинг ички муаммолари билан чегараланиб қолади.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, аёлларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни аксарият ҳолларда турмуш фаровонлиги ва таълим тизимининг ўсиши давомида сифат жиҳатидан юксалиб боради. Бироқ аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда қулай шарт-шароитлар яратиш учун бутун имкониятларни бугуннинг ўзидаёқ сафарбар қилиш керак.

Жаҳон ҳамжамияти аёл ва эркакнинг давлат ҳокимияти тузилмаларидаги ёнма-ён иштирокигина ижтимоий тараққиёт ҳамда барқарор ривожланишни таъминловчи масъул сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа давлат қарорларини қабул қилишни кафолатлай билиши тўғрисида якдил фикрга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бунинг учун кўп ишлар қилинаяпти. Ўзбекистон Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида биринчилардан бўлиб аёлларнинг эркаклар билан баб-баравар ҳуқуқини таъминлаш учун дадил қадамлар қўйди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган вақтданоқ республикадаги аёллар ҳаракати жаҳон миқёсида эътироф этилди ва фуқаролик жамиятининг қирраларини ўзида акс эттирди. Ўзбекистон БМТ Тўртинчи Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясининг (Пекин, 1995 йил) тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистонда аёлларнинг мавқеини юксалтириш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини кучайтириш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Миллий тараққиёт дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади хотин-қизларнинг сиёсий, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари миқёсида қарорлар қабул қилишда ҳаққоний тенглигига эришишдан иборатдир. Ўзбекистонда 1996 йилда Хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам беришга доир Конвенция (CEDAW) ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартда қабул қилган Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари янги лавозими таъсис этилиб, унга аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада оширишга таалуқли масалалар билан шуғулланиш топширилди. Маҳаллий миқёсда эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари ҳамда ҳокимларнинг тегишли аёллар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди.

Ушбу чоралар аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал этишда қатнашишга кенг жалб қилиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза этишни кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадларида қабул қилинди.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, ФМДП Марказий Кенгашининг Биринчи котиби**

(Давоми бор)

## ФИДОЙИ ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

***Эл-юртимиз осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилишни шараф деб биладиган ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Уларга бу борада ҳукуматимиз томонидан барча зарур имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, ички ишлар идораларида хизмат қилишни истайдиган ёшлар учун Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Олий ҳарбий техник билим юрти каби нуфузли ўқув даргоҳлари фаолият кўрсатаётганини фикримизнинг далилидир.***

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси таркибида Сержантлар тайёрлаш олий курси ташкил этилгани бу борадаги яна бир хайрли ишлардан бўлди. Шу йилнинг 1 октябридан фаолият кўрсата бошлаган бу курс фидойи ёшлар ўз имкониятларини ишга солиши учун қулай шароит яратди.

- Курсга олий ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ўрта маълумотли, жисмонан ва маънан етук, ҳарбий хизматни ўтаган 25 ёшгача бўлган ёшлар танлов асосида қабул қилинади, - деди сержантлар тайёрлаш олий курси бошлиғи, полковник Султонбой Тангирбердиев ЎзА мухбирига. - Олти ой давом этадиган ўқиш жараёнида курсантларга соҳага тегишли барча зарур назарий ва амалий билим берилади.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қўриқлаш ва патруль-пост хизматларида, жазони ижро этиш муассасаларида сержантлардан нимаики талаб қилинса, таълим жараёнида улар буни тўла ўрганади.

- Институтда иқтисодчи лавозимида ишлардим, - дейди фарғоналик курсант Нодир Сайфиддинов. - Шу орада сафарбарлик чақируви резервига хизматга чақирилдим. Бир ойлик ҳарбий йиғин ҳаётимни ўзгартирди. Айни соҳада юртим учун кўпроқ нафим тегишини англаб, шу ерда ўқишга қарор қилдим.

- Болалигимдан форма кийган ҳарбийларга, ички ишлар ходимларига ҳавас қилардим, - дейди хоразмлик Музаффар Йўлдошев. - Лекин тақдир тақозоси билан ўқитувчилик касбини танладим. Ушбу курснинг очилганини эшитиб, бу мен учун орзуим йўлидаги қулай имконият эканини ҳис қилдим. Синов босқичларидан ўтиб, бўлажак сержантлар сафига қўшилдим. Ниятим - юртимга муҳаббат ва фидойилик билан хизмат қилиш.






*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси (суратда) шу кунларда қизғин фаолият юритмоқда. Бу ерга қадам ранжида қилувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга лўнда жавоб олмоқдалар. Хусусан, икки палатали парламентнинг ўзига хос томонлари, сайлаш ва сайланиш масъулияти каби мавзуларда мулоқотлар, савол-жавоблар бўлиб ўтмоқда. Сайловчилар тегишли адабиётлар, матбуот саҳифаларида чоп этилган сайловга оид мақолалар билан ҳам танишишлари мумкин.*

**И. ҲАСАНОВ олган суратлар**

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**1-савол. Сайловлар қачон ва қай тариқа вужудга келган?**

Дастлаб, сайловлар Қадимги Рим ва Қадимги Юнонистонда вужудга келган бўлиб, унда эркин фуқароларнинг овоз беришда қатнашиши мажбурий ҳисобланган, ҳатто бунинг учун ҳақ ҳам тўлашган. Бироқ, кейинчалик, мутлақ монархия тузуми ҳукмрон бўлгач, сайловлар бир неча юз йилларга йўқолиб кетган, чунки бу даврда давлат органларини шакллантиришда ҳеч ким иштирок этмаган ва сайлаб ҳам қўйишмаган. Сайловлар, шунга боғлиқ ҳолда, сайлов ҳуқуқи, фақат буржуа инқилоблари даврида, дастлабки конституциялар билан бир пайтда яна қайтадан вужудга кела бошлаган.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик сайловлар фақат мустақиллик шарофати билан қарор топди ва ҳозирги кунда ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

**2-савол. Сайлов ҳуқуқининг мазмуни нимадан иборат?**

Сайлов ҳуқуқи - конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти сифатида сайлов жараёнини тартибга соладиган нормалар тизими сифатида тушунилади (объектив маънода). Демак, **сайлов ҳуқуқи - муайян бир давлатдаги вакиллик органлари ва мансабдор шахсларнинг сайланиш тартиби ва асосларини тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат.**

Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг вакиллик органларини шакллантиришда қатнашиш, яъни мазкур органларни сайлаш ва шу органларга сайланиш ҳуқуқидир (субъектив маънода).

**3-савол. Сайлов ҳуқуқининг қандай манбалари бор?**

Сайлов ҳуқуқининг манбалари одатда икки гуруҳга бўлинади:

**1) ёзма манбалар,** бу гуруҳга Конституция, қонунлар, қонун ости актлари киради. Сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини ўзида мустаҳкамлайдиган халқаро шартномалар ҳам сайлов ҳуқуқининг ёзма манбалари бўлиши мумкин;

2) Сайлов ҳуқуқининг **ёзилмаган манбалари** гуруҳига ҳуқуқий одатлар, анъаналар киради.

**4-савол. Сайловнинг ўзи нима?**

**Сайлов** - қонун билан белгиланган муайян ҳуқуқий жараён бўлиб, унда фуқаролар муайян бир партия ёки номзод учун ўз овозларини беришади ва бунинг натижасида ҳокимиятнинг сайлаб қўйиладиган органи - парламент шакллантирилади, ёки аниқ бир мансабдор шахс жумладан, Президент, шаҳар ҳокими (мэри), баъзи давлатларда судьялар сайланишади.

**5-савол. Сайловларнинг қандай турлари мавжуд?**

I. Сайловлар, кўпинча, ўтказиладиган ҳудудга боғлиқ ҳолда таснифланиб, қуйидаги кўринишларга бўлинади:

- **умуммиллий сайловлар,** бунда сайловлар бутун мамлакат миқёсида ўтказилади.

- **минтақавий сайловлар,** бунда сайловлар йирик маъмурий бўлинмалар миқёсида ўтказилади.

- **маҳаллий сайловлар**, муайян маъмурий-ҳудудий бўлинма (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча) миқёсида ўтказиладиган сайловлар.

II. Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этишларига боғлиқ ҳолда, **тўғри (бевосита)** ва **эгри (поғонали-билвосита)** сайловларга бўлинади:

- **тўғри сайловлар** - аниқ бир шахснинг муайян бир лавозимга фуқаролар томонидан бевосита сайлаб қўйилишидир. Қатор давлатларда, Франция, Миср, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда, Президент бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилади.

- **эгри сайловлар,** яъни поғонали сайловларда, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси бевосита ўзлари томонидан эмас, балки сайловчилар гуруҳи ёки ҳаракатдаги сайлов органи орқали амалга оширилади. Эгри сайловлар, АҚШда мамлакат Президентини сайлашда, ҳозирга қадар расман қўлланиб келинмоқда.

Эгри сайловларнинг ҳам **икки тури** мавжуд:

- **билвосита сайловлар**, бунда сайловчилар ўз хоҳиш-иродалари орқали махсус сайловчиларни, ишончли вакиллар ҳайъатини сайлашади, улар кейинчалик ўзлари сайлаган сайловчилар номидан, бевосита конкрет шахсни муайян лавозимга сайлайдилар. Масалан, АҚШ Президенти сайлови.

- **кўппоғонали сайловлар** - бунда сайловчиларнинг иродасини ифодаловчи сифатида сайловчилар гуруҳи эмас, балки доимий равишда фаолият юритувчи орган, жумладан, маҳаллий Кенгашлар, Парламент ёки Парламентнинг биронта палатаси чиқади (Италия, Хитой ва б.).

(Давоми бор)

*Ўзбекистон - умумий уйимиз*

# ДЎСТЛИК КЎПРИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, Россия Федерацияси билан мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни нафақат савдо-иқтисодий, балки, маданий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.

1994 йилдан буён мамлакатимизда Рус маданият маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида мазкур марказ икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар равнақига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Марказнинг ўн йиллиги муносабати билан пойтахтда тантанали маросим ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур маросим иштирокчиларига йўллаган табригида ҳам марказнинг Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашдаги ўрнига юқори баҳо берилди.

"Ўзбекистон - умумий уйимиз" шиори мамлакатимизда истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат вакилларини Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштирган. Бу жараёнга Ўзбекистонда яшовчи бир миллиондан ортиқ рус миллатига мансуб юртдошларимиз ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Улар орасида илм-фан фидойилари, санъаткорлар, ўқитувчи, қурувчилар, хуллас, барча соҳа вакиллари бор. Бошқа миллатлар қатори мамлакатимизда русларнинг ҳам ўз маданияти, миллий ва диний урф-одатлари, қадриятларини давом эттиришлари ҳамда ривожлантиришлари учун етарли шароит яратилган. Рус маданият маркази эса ана шу каби тадбирларни амалга оширишда фаол ташкилотчи вазифасини бажармоқда. Масалан, марказ томонидан рус адабиёти, маданияти вакиллари билан учрашувлар, рус рассомларининг кўргазмалари, атоқли шоир ва адибларнинг туғилган кунларига бағишланган кечаларнинг мунтазам равишда ўтказиб келинаётганлиги юртдошларимизни рус адабиёти ва санъати билан яқиндан таништириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, марказ ҳар йили нишонланадиган "Рождество", "Масленица", "Пасха" каби байрамларни ўтказишда ҳам бош-қош. Марказнинг ўн йиллигига бағишланган тантаналарда ҳам унинг нафақат рус маданиятини тарғиб қилиш, балки мамлакатимиздаги турли миллат вакилларини бирлаштиришдаги аҳамияти яна бир карра намоён бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Ўн йиллигини нишонланаётган рус маданият маркази улар орасида ўз нуфузига эга бўлган энг йирик марказлардан бири ҳисобланади. У республиканинг деярли барча вилоятларида ўз бўлимларига эга. Марказ нафақат русларни, балки рус халқи, маданиятига бефарқ бўлмаган бошқа кўплаб миллат вакилларини ҳам ўз атрофига бирлаштирган. Ўтган ўн йил давомида марказ томонидан маданий-маърифий ва таълим йўналишларида амалга оширилаётган дастурлар икки халқ ўртасидаги ўзаро таъсир ва бойиш жараёнига хизмат қилмоқда. Масалан, рус тили дастури доирасида олиб борилган ишлар юртдошларимизнинг рус тилини чуқурроқ англашларига, рус халқи маънавий қадриятлари билан яқиндан танишишга кўмак бермоқда. Энг муҳими, марказ Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ягона Ватан бўлган Ўзбекистонда орзу интилишлар ягона. Мақсадлар муштарак, бирдамликда, ҳамжиҳатликда ана шу улуғ мақсадларга албатта эришилади.

*"Туркистон-пресс"*

*Тақдимот*

## "УМР ШОМИДАГИ БАХТ"

Ўзбек Миллий академик драма театрида "Меҳр ва мурувват" йили муносабати билан қайта ишланган "Умр шомидаги бахт" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудова муаллифлигидаги мазкур асарни режиссёрлар Марат Азимов ва Қаҳрамон Саъдуллаев саҳналаштирди.

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Ибрагимбекова, Пўлат Носиров, Малика Иброҳимова, Ҳожиакбар Комилов ва Фатхулла Маъсудовлар иштирок этишди.

Икки кексайган одамнинг умр шомидаги бахтиёр дамлари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур спектаклда инсонларни бахтли яшашлари учун моддий бойликдан кўра кўпроқ меҳр ва оқибат зарурлиги эътироф этилади. Тўқ хонадоннинг кекса бир отахони ўз фарзандлари ва оиласи бағридан топмаган осойишталигини, нуронийлар уйига келиб топади. Спектаклни қайта саҳналаштиришдан мақсад ҳам оилада кексаларга ва ота-онага ҳурматни кучайтириш, уларга меҳр кўрсатиш зарурлигини ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Спектакл премьерасига шаҳар ҳокимлиги вакиллари, пойтахт маҳаллалари фаоллари ва олий ўқув юртлари раҳбарлари таклиф этилди. Ушбу спектаклга олий ўқув юртлари, коллежлар талабалари, академик лицейлар ва мактаб ўқувчиларини таклиф этиш ҳам режалаштирилмоқда.



**Усмон Носир чақиндек қисқа умри давомида бетакрор ижод намуналари яратиб қолдиришга улгурди. Юксак истеъдод соҳиби қалбини жунбушга келтирган асов туйғуларни тинмай қоғозга туширишга ҳаракат қилган. Ҳар бир шеъри устида узоқ ишлаб, янада рангинлаштиришдан бир олам завқ туйган. Бу эса унинг буюк шоир бўлиб етишувини, миллий адабиётимиздаги юксак ўриндан мустаҳкам жой эгаллашини таъминлади.**

*Барҳаёт сиймолар*

# «УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ...»

Улуғ шоир ҳаётини шошқин дарёга қиёслаш мумкин. У бетиним шовуллаб, йўлида учраган тўсиқларни бузиб ўтади. Усмон Носир ҳам ёшликдан тақдир юзлаштирган қора кунларни ўт-олов шўхлиги билан енгган. 1912 йилнинг 13 ноябрида Наманган шаҳрида камбағал оилада дунёга келган шоир тўрт ёшга тўлмасдан отаси Маматхўжа вафот этади. Шундан сўнг онаси қўқонлик Носир ҳожига турмушга чиқади. Ўгай ота хонадонида зулму хўрликлар кўрган бола охир-оқибат янги очилган мактаб-интернатдан паноҳ топди. У ерда онаси ва ёш сингилчаларини соғиниб яшаса-да, бир зум ҳам ўқиб-ўрганишдан чекинмади. 1925-1929 йилларда иккинчи босқич ўзбек мактабида таҳсил олди. Онаси Холамбибининг эртак-маталлари орқали кўнглида адабиётга меҳр уйғонди. Кучли адабий муҳит таъсирида унинг истеъдоди сайқал топиб, илк шеърлари яратила бошлади. У ўз тенгдошлари орасида ижодкорлик ва шеър ўқиш маҳорати билан ажралиб турарди.

Мактабни битиргач, дафъатан кино санъатига уйғонган қизиқиши туфайли Усмон Носир бир йил Москвадаги Кинематография илмгоҳида ўқийди. Шу қисқа давр унинг ҳаётида чуқур из қолдиради. Ўша пайтдаги Москва адабий муҳити ҳамда буюк рус шоирлари асарлари билан яқиндан танишув ёш шоир ижодининг юксалишига катта таъсир кўрсатади. Бу ерда у татар шоири Муса Жалил билан ўртоқ тутинади.

Москвадан қайтиб, қизғин ижодий ҳаётга шўнғийди. 1931 йилда «Норбўта» номли достони «Янги Фарғона» газетасида эълон қилинган бўлса, кейинги йили «Қуёш билан суҳбат» ва «Сафарбар сатрлар» номли илк шеърий тўпламлари нашрдан чиқади. Ярқ этган истеъдоди билан адабий жамоатчиликка танилган шоир 1933 йилда ўзбек ёзувчиларининг I қурултойида иштирок этади. Сўнгра оз муддат Самарқанд педагогика академиясида таҳсил кўргач, 1934 йилда Тошкентга келиб яшай бошлайди. Шу йили у тожик ва арман ёзувчиларининг қурултойларида қатнашади. Айниқса, Кавказ сафари Усмон Носирда ёрқин таассурот қолдиради. Ушбу таассуротлар асосида «Нахшон» достони туғилади. Достон гўзал тасвирларга, нафосат барқ урган сатрларга бойлиги билан киши қалбида ёқимли ҳис уйғотади.

*Боғларга намозгар*
*Салқини тушди.*
*Гуллар нам баргини*
*Қайирди аста.*
*Офтоб ҳам сув ичар*
*Тоғлардан пастда,*
*Лоладек қип-қизил*
*Ўт шафақ ўчди.*

Нақадар шавқли манзара! Гўё мусаввир қўли билан оний лаҳза нафис бўёқларда жонли акс эттирилгандек. Шоир фақатгина бир нафаслик кўринишни ифода этмоқчи эмас, балки вақт, ҳолат орқали ишқли юрак туғёнларини чизади.

*Кўз тутдим,*
*Кўзларим нигорон бўлди,*
*О, дилбар,*
*Симбарим, юзлари қирмиз,*
*Киприги кўксига*
*Соя солган қиз,*
*Кўз тутдим*
*Юрагим тўла қон бўлди.*

Усмон Носир икки буюк зот-Абдулла Қодирий ва Чўлпонни ўзига устоз, маънавий пир, деб билган. Улар қошида ҳамиша шогирдлик бурчини, одобини ўрнига қўйган. Бундан ташқари, Элбек, Ғулом Зафарий, Собир Абдулла, Ойбек, Миртемир, Уйғун, Амин Умарий каби истеъдодли ижодкорлар билан ака-ука, дўст тутиниб, ижодий мулоқотда бўлиб турган.

Усмон Носир табиатига хос жўшқинлик ва қайсарлик ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўйлаган ниятини тезда амалга оширишда муҳим ўрин тутган. У қадам босган даврага бирдан жонланиш, файз кирган. Шоирнинг ўктам ва жарангдор овозда шеър ўқиши атрофидагиларни сеҳрлаб қўйган. Кўпинча унинг туни бўйи ухламай ижод билан шуғуллангани замондошлари хотираларида келтирилади. У ғоятда кучли ижодий қувватга эга бўлиб, ҳатто бир кечада бутун бошли достонни қоралаб ташлагани ҳақида далиллар бор. Усмон Носир ўзининг шеър ёзиш ҳолатини шундай гўзал ташбеҳларда ифодалайди:

*Уйғоқ тунларимни*
*Кесакдай отиб.*
*Пишган гилос каби*
*Сўзлар тераман.*

Сўзни мияда мисоли «пишган гилос»дай маънога тўйинтириш, унга руҳ ва оҳанг бағишлаш учун ижодкор бутун вужуди билан киришиши зарурлигини бундан ортиқ бадиийлаштириш жуда мушкул. Зеро, Усмон Носир дили ва тилини уйғоқ калом билан боғлаган беназир сўз санъаткори эди.

Аслида илҳом онлари шоир учун беистисно бўлган. Шеър унинг бутун хаёлини эгаллаган.

*Илҳомимнинг вақти йўқ –*
*селдай келади,*
*Жаллоддек раҳм этмай, дилни*
*тилади.*

Дарҳақиқат, Усмон Носир шеър яратиш учун қалбини нимта-нимта қилиб, қийноқлаб-азоблаб муродига етган. Шоирнинг бир-биридан ҳароратли «Юрак», «Монолог», «Насимага деганим», «Шеъримга», «Ёшлик» каби шеърлари дунёга келади. У ҳаётга ташна юраги билан ҳайқириб куйлайди, қалбини байроқ қилиб кўтаради.

1935-1936 йилларда Усмон Носирнинг «Юрак», «Меҳрим» тўпламлари чоп этилади. Улардан латофатли, сара шеърлар жой эгаллаган. Шунингдек, улуғ рус шоирлари А.Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» ва М.Лермонтовнинг «Демон» достонларини юксак маҳорат билан таржима қилади.

Усмон Носир ўз шеърларини жаҳон даражасига кўтарилишини орзу қилган. Бу фақат орзу-истак эмас, порлоқ хаёл эгасининг қатъий мақсадига айланган.

*Йўлчиман, манзилим*
*денгиздан нари,*
*Ложувард уфқнинг тубига*
*яқин.*
*Кўнглимда дардларим*
*дарёдек оқин,*
*Чайқалар кўзларим тикилган*
*сари.*
*...Чу, қора тойчоғим! Чу,*
*қора йўрғам!*

Минг афсуски, машъум 1937 йилнинг даҳшатли бўронлари унинг эзгу ниятини парчалаб ташлади. Москвада бўлиб ўтган иккита нуфузли тадбир, Пушкин вафотининг 100 йиллигига бағишланган кеча ҳамда ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигидан ғоят бой таассурот билан қайтган шоир миллатнинг бошқа зиёлилари каби бошига тушажак мудҳиш кунлар яқинлашаётганини сезмади. Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар қамоққа тиқилгач, 12 июлда республика ёзувчилар уюшмасида Усмон Носир ижоди муҳокама этилади. Бир тўда кимсалар унга «миллатчи», «аксилинқилобчи» каби айбларни тақашди. Эртаси эрталаб эса икки нафар НКВД ходими шоир ухлаб ётган уйга бостириб киради... Энди у учун ҳақиқий зулматли ҳаёт бошланади. Терговдаги мислсиз қийноқлар миллатсевар инсон иродасини буколмади. Ўзига қўйилган туҳматларни мардонавор рад этади. Сафдошларига хиёнат қилмайди. Бунинг эвазига инсон чидаши оғир бўлган хўрликларга дучор бўлади. У жисми «темир қафас»да бўлса ҳам, руҳини озодликда сақлайди. 1938 йилнинг 5 октябрида ўн йилга қамоқ жазосига маҳкум этилади. Бу ҳақда заҳматкаш олим Наим Каримов ўша давр ҳужжатларига асосланиб, қуйидагича фикр билдирган: «Гап шундаки, 5 октябрда бўлиб ўтган судда (агар у ҳақиқатан бўлиб ўтган бўлса!) нафақат қораловчи ва оқловчилар, балки судланувчи маҳбусларнинг ўзлари ҳам киритилмаган эди. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари 5 октябрда ўлимга ҳукм этилган ёзувчилар суддан бир кун аввал – 4 октябрдаёқ отиб ташланган эдилар. Усмон Носир сингари ўн йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган маҳбусларга эса улар иштирокисиз ўтган суд ҳукми ўқиб эшиттирилган». Ҳар қандай инсоний ҳақ-ҳуқуқни сариқ чақага олмаган шўро сиёсатининг шармандали, жирканч башараси ушбу мисолда янаям аниқ намоён бўлади. Қатағончи қузғунлар ноҳақ қурбонлар билан юзма-юз бўлишдан чўчиб, яширинча ҳукм чиқаришни афзал билганлар. Шундан сўнг, Усмон Носир бошқа маҳбуслар қатори жазони ўташ учун шимолдаги ахлоқ тузатиш лагерларига юборилади.

Жабрдийда шоир маҳбусликда узоқ вақт адолат қарор топишига умид қилиб яшади. Аммо беомон, қаттол тузум унинг ишончини сўндириш учун ҳеч бир қабиҳликдан қайтмади. Усмон Носир баланд овозда шеър ўқиб, жароҳатланган юрагига таскин излайди. Қамоқхона назоратчилари буни ҳам тақиқлашади. Қайсарлик қилгани учун аёвсиз калтаклашади. У ёмғир остида устунга боғланган ҳолатда ҳам мажнунона шеър ўқийди. Сибирнинг совуғи ва оғир калтаклар шоирнинг силласини қуритди. Миллатнинг суюкли ўғлони 1944 йилнинг 9 мартида Маринск шаҳридаги лагерларнинг бирида хору зорликда вафот этди. Усмон Носирнинг ҳоки олис ўлкаларда қолиб кетди. Бироқ халқ жувонмарг кетган асл фарзандини ҳеч қачон эсдан чиқармади. Ҳар лаҳза, ҳар он унинг номини дилда асради. Эрксевар шоир юрагида армон бўлиб кўмилган озодлик, ҳуррият шабадаси юртимиз бўйлаб эсди. У битган ўтли сатрлар авлодлар тилида қайта жаранглай бошлади. Бу бир пайтлар шоирнинг назмида башоратга айланганди:

*Баргдай узилиб кетсам,*
*Унутмас мени боғим,*
*Ишимни ҳурмат қилур,*
*Гуллардан ҳайкал қурур,*
*Минг йиллардан кейин ҳам*
*Унутмас мени боғим!*

**Тўлқин ШЕРНАЕВ**

*Хабарлар оқимидан*

## САЙЁҲЛИКДАН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Мамлакатимизда сайёҳлик тизими кенгайиб бормоқда. Шу соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш жараёни ҳам яхши йўлга қўйилган.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Халқаро туризм» факультети очилиши бу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу факультет иш бошлаганига беш йил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида юзага келган бу факультет ўтган йиллар мобайнида ўзининг мустаҳкам ўқув моддий негизига эга бўлди.

Ҳозир унда «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм сервиси» кафедралари ишлаб турибди. Факултет профессор-ўқитувчилари илмий изланишлари билан қатор ўқув адабиётлари яратилди.

«Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантириш», «Туризмда рекламавий фаолият», «Туристик бозор таҳлили» каби мавзуларда олиб борилган тадқиқотлар кутилган натижаларини берди.

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИК

Лондон шаҳрида ўтказилган «Александр Македонскийдан кейинги Ўрта Осиё» номли халқаро конференция ишида Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Эдуард Ртвеладзе ҳам фаол иштирок этди. Унинг археолог олим сифатида яратган «Александр Македонский Ўрта Осиёда» деб номланган тадқиқотига оид маълумотлар ушбу анжуманда қизиқиш уйғотди.

Шарқда Искандар Зулқарнайн деб ном таратган Жаҳонгир Александр Македонский ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур нашр қимматли тарихий маълумотларга бой.

Бу йирик илмий асар Греция археологлари эътиборини ўзига тортди. Шу муносабат билан уни грек тилига таржима қилиш тадбирлари кўрилди.

Бу хайрли ишга яқиндан бош қўшаётган Ўзбекистон Бадиий академиясининг республика санъатшунослик институти «Ўзбекистон-Греция: қадимий маданий алоқалар» деб номланган кўргазма лойиҳасини яратишга киришди. Бу эса ўзбек ва грек санъатшунос олимлари ўртасидаги илмий алоқалардан далолат беради.

## БАДИИЙ АТЛАС

«Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилик Атласи» номи билан чоп этилган нашр тезда оммалашиб кетди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг республика санъатшунослик институти олимлари томонидан босмага тайёрланган ушбу атласнинг инглизча нашри ҳам юзага келди. Бу борада орттирилган тажриба асосида яна қатор атлас нашрлари устида иш олиб борилмоқда. «Бойсун» тўплами ҳам яқин орада босмадан чиқади. Сурхон воҳасидаги бу қадимий сўлим гўша халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан инсониятнинг маданий мероси ҳудуди деб баҳоланганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

**А.АЛИЕВ**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда*

# БАЛАНДЧАЙЛАДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ўқув муассасаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва моддий базаси қувватини яхшилаш борасида Жанубий Корея, Япония ва Осиё Тараққиёт банки грантларини қўлга киритган. Илм масканларини ҳозирги замон техникаси ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида 1 миллиард 313 миллион сўм маблағ сарфланди.

Баландчайла Қамаши туманининг аҳоли тиғиз жойлашган қишлоқларидан бири. 1999 йилда собиқ қишлоқ хўжалиги техникуми базасида агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ташкил этилган эди. Ўқув ва ётоқхона бинолари қисқа муддатда тўлиқ таъмирланиб, ёшларнинг пухта билим олишлари, амалий тажриба ўрганишлари учун қулай шароитлар яратилди.

Олис қишлоқда жойлашган коллеж ёшларга чуқур билим бериш салоҳияти билан нафақат вилоятда, балки республикада ўзига яраша нуфузга эга. Тарбия масканида қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш, фермер хўжалигини ташкил этиш, ҳуқуқшунослик, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, молия, банк иши ва тикувчилик касблари ўргатилади.

– Касб-ҳунар таълимининг асосий мақсади рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳар томонлама интилиш кетаётган бир пайтда ана шу жараённи тушунган, унинг ўзига хос жиҳатларини ишлаб чиқаришга татбиқ эта оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат, - дейди ўқув юрти раҳбари Али Анваров. – Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда билимли ва иқтидорли кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бераяпмиз.



Тажрибали мутахассис жамоанинг бутун билими ҳамда куч-ғайратини таълим мазмуни ва самарадорлигини оширишга қаратган. Малакали услубчи У.Жумаев раҳбарлигида ўқитувчиларнинг ўзаро дарс алмашиниши, очиқ машғулотлар мунтазам ўтказиб борилади. Таҳлил этилган ҳар бир жараён фан уюшмалари йиғилишида муҳокама этилиб, илғор тажрибалар оммалаштирилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Илм масканида 78 нафар ўқитувчи бўлиб, уларнинг 21 нафари олий, 22 нафари биринчи тоифали мутахассислар. Ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш амалиёти дастурлари билан тўлиқ таъминланган. Талаба тўлдирган кундалик ва олган амалий кўникмалари сифати шаҳодатлаш ҳайъати томонидан баҳоланади, натижалар ўқувчининг синов дафтарчасида қайд этилади.

Таълим сифатини кўтариш учун педагогик кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида хорижий давлатларда тажриба ва малака ошириш йўлга қўйилган. Ўқув даргоҳи раҳбари А.Анваров JBIC лойиҳаси асосида Япония таълим масканларида бўлиб, тажриба ўрганиб келди. «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларидан фойдаланиш» фани ўқитувчиси А.Эшматов Японияда, «Автомобил тузилиши» фани муаллими Д.Тошмуродов Германияда қайта тайёргарликдан ўтди.

Коллеж жаҳон банкининг JBIC лойиҳасига аъзо. Дастур асосида илм ўчоғига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида ўқув ва кўргазмали қуроллар, техник жиҳозлар келтирилиши мўлжалланган. Бугунги кунда мактабда иккита МТЗ-80, TI-100A тракторлари, 1 та минитрактор ва тиркама жиҳозлари, «Тико» енгил автомобили, «Отайўл» юк автомашинаси ва бошқа керакли асбоблар мавжуд. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган устахона қуриб битказилди ва ускуналаш ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

«Миллий истиқлол ғояси», «Маънавият ва маърифат», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» хоналари дид билан жиҳозланган. 10 минг 250 нусхадаги адабиётлар жамғармасига эга бўлган кутубхонада талабаларнинг шуғулланишлари учун барча қулайликлар бор.

Турли йўналишдаги 12 та фан кабинети, 2 та компьютер, 1 та лингофон, физика ва химия хоналари, 9 та умумтаълим тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Уларда уч юздан ортиқ талаба шуғулланаяпти.

Иқтисодиётида ғаллачилик ва пахтачилик етакчи ўринни эгаллаган Қамашида деҳқон-фермер хўжаликлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Тадбиркорлик тизилмалари раҳбарларининг иқтисодий билимини мустаҳкамлаш, мулкка эгалик ҳиссини кучайтиришда агроиқтисодиёт коллежи жамоасининг ҳиссаси катта.

Баландчайлада кўркам ва чиройли иншоотлар кўп. Ана шулар орасида замонавий услубда қурилган, юмшоқ мебеллар ва гиламлар билан безатилган қўшқаватли иморат алоҳида ажралиб туради. Унда юзлаб қишлоқ йигит-қизларига чуқур ва пухта билим бераётган, уларни шиддатли ҳаётимизга муносиб кадрлар қилиб камолотга етказаётган аҳил ва иноқ жамоа ишламоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Эшитдингизми, ўқидингизми?*

## ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Келгуси йили бўлиб ўтадиган Конфедерациялар Кубоги мусобақасига қуръа ташланди. Германиянинг Франкфурт шаҳрида ташкил этилган қуръа ташлаш маросимида миллий терма жамоалар икки гуруҳга ажратилди.

Қитъамиз вакили – Япония терма жамоаси «В» гуруҳидан жой олди. Кунчиқар юрт футболчилари ушбу гуруҳда ЖЧ-2002 ғолиби Бразилия, Евро-2004 бош совриндори Греция ҳамда Олтин Кубок соҳиби Мексика терма жамоаларига қарши баҳс олиб боришади. Кўриб турганингиздек, японияликларга осон бўлмайди. Германия, Аргентина, Тунис ва Австралия терма жамоалари эса «А» гуруҳи ғолиблиги учун тўп сурадилар.

Эслатиб ўтамиз, турнир келаси йилнинг 15-29 июн кунлари Германиянинг бешта шаҳридаги стадионларда ўтказилади.

## КОЛОСКОВ КЕТДИ

Россия Футбол Иттифоқи президенти Вячеслав Колосков 25 йиллик лавозимидан четлатилди. У 1979 йил июлдан бери ушбу лавозимда фаолият юритиб келаётган эди.

Кўпчиликка маълум ва машҳур В.Колосковнинг истеъфога чиқарилишига асосий сабаб Россия миллий терма жамоасининг ЖЧ-2006 саралаш босқичи баҳсида португалияликларга 1:7 ҳисобида ютқазиб қўйиши бўлди. Бу кутилмаган мағлубиятдан сўнг унинг лавозимдан кетиши ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Ниҳоят, миш-мишлар ҳақиқатга айланди. Колосков кетди. Жисмоний тарбия, спорт ва туризм бўйича федерал агентлик раиси Вячеслав Фетисов бу ҳолни қуйидагича изоҳлади: «Мен уни вазиятни тубдан ўзгартириш лозимлигига кўндира олдим ва у буни тўғри қабул қилди. Колосковнинг ўрнини боса оладиган инсонни ҳам аниқлаб қўйдик. Унинг номини яқин кунларда эълон қиламиз».

**ISHONCH**

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 123456